

Куч – адолатда

Аدل ила оламузин обод қил!

2024 йил
27 сентябрь,
жума
№ 44
(1026)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИХАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь кун куриллиш, таълим, туризм ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Маълумки, жорий йил 3 апрель кун Янги Тошкент шаҳрида илк иншоотлар курилиши бошланган. Давлатимиз раҳбари бу улкан лойиҳа илм-фан ва маънавият масканларидан бошланаётганига урғу бериб, “булар маърифатли жамият барпо этиш гоёмизининг асоси ва намунаси бўлади”, деган эди.

Шулардан бири – Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи ва Миллий мақом марказини ўз ичига олган мажмуадир. У ҳақда машҳур “Zaha Hadid architects” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Бўлажак мажмуа ўзига хос дизайни ва функционаллиги билан диққатга сазовор. Унда эстетика ва кулайлик моҳирона бирлаштирилиб, атроф-муҳит билан уйғунлик ҳосил қилади. Шу жиҳатлари билан мажмуа келгусида халқаро туризм масканларидан бирига айланади.

Янги Тошкент учун яна бир салоҳиятли гўша – Чирчиқ дарёси. Аҳоли ва меҳмон-

ларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида унинг 6 километрга яқин қисмида дам олиш ҳудуди барпо этиш мўлжалланган. Бунинг учун қирғоқлар тартибга келтирилиб, кўкаламзорлаштирилади. Меҳмонхона, соғломлаштириш ва кўнгулчор масканлар курилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу нуфузли ташкилот Бош конференциясининг 43-сессияси 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 мартдаги қарорига мувофиқ, бунга тайёргарлик бошлаб юборилган.

Тақдиротда шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда режалар тўғрисида ахборот берилди. Хусусан, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектларини асраш, улар бўйлаб саёҳатлар ва кўргазмалар ташкил этиш чоралари кўриломоқда. (Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, соҳада замонавий даволаш усуллари ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, хусусан, мураккаб жарроҳлик операцияларини муваффақиятли амалга ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, юксак профессионал маҳорат ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Исмаилов Сайдимурод Ибрагимович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Гуламов Олимжон Мирзахитович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг торакоабдоминал онкохирургия бўлими мудири

Мадгазиев Олег Рахматович — Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг торакоабдоминал хирургия бўлими шифокори

Хайбуллина Зарина Руслановна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник биокимё ва микробиология бўлими мудири

Хайдаров Алишер Эркинович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиоанестезиология, кардиореанимация ва сунъий қон айланиш бўлими мудири

(Давоми 2-бетда) ▶

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш янги босқичга кўтарилди. Бу борада муҳим натижаларга эришилди.

Моҳият

Болалар ва хотин-қизларга НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК

УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА



Хусусан, қонунчиликка “оилавий (маиший) зўравонлик” тушунчаси киритилиб, ушбу ҳуқуқбузарликлар учун те-

гишли равишда маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланди. (Давоми 3-бетда) ▶

ШАРҲ

Замонавий ШАҲАРСОЗЛИК:

янада самарали ва шаффоф тизим яратилади

Бугунги кунда шаҳарсозлик замон билан ҳамнафас жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Юртимиз ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари натижасида шаҳарлар ва уларнинг атрофларида барпо этилаётган объектларнинг шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мос келишини таъминлаш шаҳарсозлик соҳасида давлат бошқарувининг асосий талабларидан биридир. (Давоми 3-бетда) ▶



Ҳаётда ҳар бир одам қутилмаган муаммо ёки мушкулликка дуч келса, аввало, ёрдам сўраб, судга мурожаат қилади. Албатта, судда ҳар қандай муаммо қонуний ечимини топади. Мисол учун Насиба Ёркулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Каттақўрғон тумани “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 19-уйнинг Н. хонадонига 22 йилдан буён она аъзолари билан яшаб келади. Хонадон эгаси, таниши Ҳалима Мамаражובה 2002 йилда уйни унга қолдириб, ўзи оиласи билан номаълум манзилга кўчиб кетганди. Шундан буён унинг ўзи ҳам, бирон фарзанди ҳам қайтиб келмади. Ҳозирда ҳам уларнинг яшаш манзили номаълум.

Одил судлов



Н.Ёркулова хонадонга эгаллик ҳуқуқини белгилаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб, туман ҳокимиятига борганида, мутасаддилар унга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришган. Шу сабабдан Н.Ёркулова фуқаролик ишлари бўйича судга хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўраб, даъво ариза билан мурожаат қилди. (Давоми 2-бетда) ▶

Конун кўмаги



Ҳақиқий эмас деб ТОПИЛГАН ҚАРОР

Халқимизда “Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат” деган пурмаъно мақол бор. Чиндан ҳам, ҳалол меҳнат қилган инсон ҳурмат-эътибор қозонади, обрў-иззат топади. (Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

ЭСКРОУ – уй-жой қурилишида янги тизим

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев расулида қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида уй-жойлар қурилишида алдов, тушунмовчиликларга барҳам бериш учун уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли “эскроу” тизими жорий қилиниши қайд этилди.

Хўш, эскроу нима ўзи? Бу тизим уй-жой қурувчилари билан қурилиши тугалланмаган уйларни сотиб олувчилар ўртасида учрайдиган қандай муаммолар ва низо-ларга ечим бўла олади? Бу тизим миллий қонунийлигизга қачон ва қандай тар-




тибда жорий этилади? Эскроу – инглизча “escrow” сўзидан олинган бўлиб, “пул ёки мол-мулкни сақлаш” деган маънони англатади. У моҳиятига кўра, ишнинг буюртмачисини, хизматнинг буюртмачисини ёки товар олувчисини томонидан тўланган пуллар, иккинчи томондан, ўз мажбурияти лозим даражада бажарилмагунга қадар тўланган маблағлар музла-тилган ҳолда учинчи шахс томонидан сақланишини на-

(Давоми 2-бетда) ▶

Таҳлил ва таклиф

Яши ниёт билан шерикчиликда тадбиркорлик фаолиятини бошлаган мулкдорларнинг иши баъзан бароридан келмаслиги ҳам мумкин. Чунки тадбиркорлик таваккалчилик асосида мулкчи жавобгарлик остидаги фаолият ҳисобланади. Таваккалчилик бор жойда “чиқиш” ва “тушиш”ларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Корпоратив бошқарувдаги мушкуллик: МУАММО ВА ЕЧИМ



(масъулияти чекланган жамият мисолида)

Баъзида шундай ҳолларда иштирокчилар ўртасида келишмовчиликлар юзага келиб, уларнинг айримлари судларда ҳал этиладиган низо предметиға ҳам айланади қолади. Бунда мулкдорлар вужудга келган низо юзари ҳал қилиш имкониятига эга бўлишмайди. (Давоми 3-бетда) ▶

Тарих тилсимлари



Аҳмад ШИМШИРГИЛ

АМИР ТЕМУР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

МУАЗЗАМ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

Тарихда бирор генерал ёки ҳукмдор қозона олган ғалабалар борасида Амир Темурнинг тенги ва ўхшаши йўқдир.

Ж.РОБЕРТ,
инглиз тарихчиси

Амир Темур дунёнинг энг буюк фотиҳларидан ва жаҳонгирларидан бири эди. Унинг ҳарбий юришлари уч, етти йиллик сафарлар дея тарихга муҳрланган. У ўз сафарлари боис йигирма етти ўлка ҳукмдорига айланди. У дунёда ҳарб санъатининг шаклланиши ва та-

рақийтига энг улкан улуш қўшган жаҳонгирдир. Улуғ кўмондон, ҳарб доҳийси сифатида қадрланадиган Соҳибқирон икки юз минг кишилик мунтазам ўрдуни улуғворона тартиблаган ва уруш пайтларида доҳиёна бошқарган. (Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Суд мажлисида даъвогар фарзандлари билан ушбу хонадонда 22 йилдан буён коммунал, солиқ ва бошқа тўловларини ўз ҳисобидан тўлаб, яшаб келаётганини таъкидлаб, суддан хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўради.

Айтиш жоизки, иш бўйича жавобгар Ҳ.Мамаражабованинг ҳозирги кунда яшаш жойи номаълум бўлиб, бу ҳолат "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғинининг далолатномасида ҳам тасдиқланган. Бундай вазиятда суд ишни Фуқаролик процессуал кодексининг 164-моддасига асосан унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида Давлат кадастрлари палатасининг Самарқанд вилояти бошқармаси Каттақўрғон тумани фи-

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра, эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга, дея қайд этилган.

Шу ўринда Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори 12-бандида амалда эгалик қилиш муддати асосида ашёга эгалик ҳуқуқини олиш учун у ҳалол йўл билан эгалланган бўлиши, яъни амалда эгалик қилувчи ўзганинг мулкни

ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Меҳмонхоналар ва тадбирлар ўтказиладиган жойларда барча шароит яратилади. Сессия штирокчиларининг келиб кетиши, маданий тадбирлар, транспорт ва тиббий хизматлар мувофиқлаштириб борилади.

Ижтимоий соҳадаги энг катта йўналишлардан бири бу таълим. Аҳолисининг кўпчилиги ёш бўлган мамлакатимизда унинг барча боқичлари изчил ривожлантирилмоқда. Хусусан, олий таълимда ҳам янги масканлар қурилиб, шароитлар яхшиланмоқда.

Бухоро давлат университетидан 21 мингдан зиёд ёшлар ўқийди, 10 та фа-

культет, 8 та ётоқхона бор. Лекин бинолар шаҳарнинг турли ҳудудларида тарқоқ жойлашган бўлиб, ўқитувчи ва талабаларга ноқулайликлар туғдирмоқда.

Шу боис Бухоро шаҳрининг чеккасида университет учун янги кампус қуриш режалаштирилмоқда. 43 гектарда лойиҳалаштирилаётган мажмуада барча факультетлар, маъмурият, ётоқхоналар, лабораториялар, кутубхона, стадион, спорт зали ва амфитеатр яхлит жойлашади. Дарс ва амалиёт учун замонавий шароитлар яратилади. Ётоқхона ўрни 3 мингтадан 6 мингтага ошади. Бўш майдонларга дарактлар экилиб, боғ барпо этилади.

Хива шаҳри юртимизнинг туризм манзилларидан бири. Сўнгги йиллардаги бунёдкорлик ишлари натижасида унинг салоҳияти янада ошди. Бу ерга келувчиларга қулайлик яратиш мақсадида поезд вокзали ёнида йўл ўтказгич барпо этиш мўлжалланмоқда. Лойиҳага кўра, 450 метрлик бу йўл транспортлар қатновини алоҳида ташкил этиш имконини беради, вокзал ва Ичан қалъа ўртасида пиёдалар хавфсиз ҳаракатланади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш, амалдаги ишларнинг сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида ин-

вестиция дастурларининг бажарилиши ҳақида ҳам ахборот берилди. Қайд этилгандек, жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард доллар қийматидаги инвестициялар ўзлаштирилган. 200 га яқин sanoat лойиҳалари фойдаланишга топширилиб, 25 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Жумладан, Янгихаёт туманидаги технопаркда 46 та корхона ташкил этилмоқда.

Президентимиз йил якунигача мўлжалланган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, энергия тежамкорликка алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ярбеков Рустам Раимкулович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак ишемик касалликлари ва унинг асоратлари хирургияси бўлими мудири, кардиожаррохи

рилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси бўлими кичик тиббий ходими

Шуваева Ольга Владимировна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг тиббиёт архиви мудири

рилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг магнит резонанс ва компьютер томографияси бўлими мудири

Кадиров Марат Жалгасович — У.Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими шифокори

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Рустамова Франгис Камрановна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашти-

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

Джураева Нигора Мухсумовна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашти-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 26 сентябрь

Одил судлов

Эътироф этилган

МУЛК ҲУҚУҚИ



лиалининг ишончли вакили Қ.Шамсиевнинг тушунтириш беришича, 19-уйнинг Н.-хонадони Каттақўрғон шаҳар 19-ўрта техника билим юртининг мулки эканини тасдиқловчи далолатнома мавжуд. 1994 йил 3 майдаги 15-сонли ушбу давлат далолатномасига асосан Ҳалима Мамаражабова 1994 йил 7 июль кунини 6-1788-188-рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Суд даъвогарнинг кўрсатмаси ва гувоҳларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериб, аризани қаноатлантириш тўғрисида хулосага келди. Чунки иш ҳужжатларидан кўринишича, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигининг 19-ўрта техника билим юртининг уй-жойларни шахсий мулк эканини тасдиқловчи 1994 йил 3 майдаги 15-сонли давлат далолатномасига асосан умумий майдони 43,17 квадрат метр, яшаш майдони 28,32 квадрат метрдан иборат 2 хонали хонадонга Ҳ.Мамаражабованинг эгалик ҳуқуқи белгиланган ва 1994 йил 7 июлда 74-145-815-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъвогар Н.Ёркулова мазкур хонадонда 22 йил яшаб, унга эгалик қилиб келган, доимий равишда коммунал ва солиқ тўловларини тўлаб келган, қарздорлиги йўқлигини тасдиқловчи маълумотлар билан ҳам тасдиғини топган. Бу ҳолатлар даъвогарнинг 22 йилдан ортиқ вақт давомида хонадонга ўз мулки сифатида ҳалол, ошқора ва узлуқсиз эгалик қилиб келганлигини тўлиқ исботлайди.

Шунингдек, бу Н.Ёркуловада Фуқаролик кодексининг 182-моддасига кўра, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари тўлиқ мавжудлигини тасдиқлади. Бундан ташқари ушбу кодекснинг 187-моддаси 1,3-қисми ҳам Н.Ёркулованинг манфаатини тўлиқ ҳимоя қилади. Унга кўра, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомидан ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомидан ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуқсиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

мулкдорнинг эрк-хоҳишига зид равишда қасддан эгаллаб олган, ўғирлаган ва шу каби шахс бўлмаслиги ҳақида судларга тушунтирилган. Бундай эгалик қилиш бошқа шахслар учун ошқора ва аниқ кўринадиган бўлиши, шунингдек, эгалик қилувчи тегишли мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиши, фақатгина ундан фойдаланибгина қолмай, балки уни лозим даражада сақлаш чораларини кўрганини ҳам назарда тутиш зарур.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 27-бандида "Фуқаролик кодексининг 187-моддасида белгиланган эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тўғрисидаги нормалар, уйга эгалик қилиш мазкур қонунда белгиланган муддат мобайнида шартнома мажбуриятлари (ижара, текин фойдаланиш) асосида амалга оширилган ҳолларда қўлланилмайди. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқи вужудга келиши билан аввалги мулкдор уйга бўлган мулк ҳуқуқини йўқотди", дея қайд этилган.

Суд Н.Ёркулованинг даъво аризасини юқорида келтирилган қонуний асослар ва Олий суд Пленуми қарорларидаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, қаноатлантирди. Жавобгар Ҳ.Мамаражабовага тегишли Каттақўрғон тумани, "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 19-уйнинг Н.-хонадонига нисбатан Н.Ёркуловани мулк эгаси деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Бу билан Ҳ.Мамаражабованинг ушбу хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқини тугатилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларимиз пухталиги, ҳаққонийлиги ва адолатлилиги туфайли бир инсон ҳаётида дуч келаётган муаммо хайрли яқун топди.

Зафар РАВШАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Каттақўрғон туманлараро
суди раиси

ЭСКРОУ – уй-жой қурилишида янги тизим

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқлари оиласида "Escrow" (инглизча) ва "Treuhand" (немисча) механизмлари кенг тарқалган. Германияда эскроу ҳисоб-рақам очиш ва уни юритиш бўйича хизматларни нафақат банклар, балки нотариуслар, солиқ агентлари, аудиторлар ҳамда адвокатлар ҳам амалга ошириши мумкин.

Мисол учун айтадиган бўлсак, нотариус томонидан очилган эскроу ҳисобварағига мувофиқ (Notar-Anderkonto) нотариус олди-сотди шартномасининг бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда шартнома шартлари бажарилгандан сўнг пулни сотувчига беради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳали қонунга эскроу ҳисобварағи шартномасига оид нормаларни киритмасдан туриб, бундай шартномани туза оламизми?

Албатта. Чунки Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан тарафлар қонунчиликда назарда тутилмаган шартномани ҳам тузиши мумкин. Бинобарин, фуқаролик қонунчилигида қонун билан тақиқланмаган муносабатга киришишга, жумладан, шартномалар тузишга ҳеч қандай чеклов йўқ.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 860-7-моддаси эскроу ҳисобрақам шартномаси ҳақида бўлиб, эскроу ҳисобварақ шартномаси бўйича банк (эскроу агент), агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ҳисобварақ эгасидан (депозит кўювчидан) олинган маблағларни бошқа шахс (бенефициар)га ўтказиш мақсадида ҳисобга олиш ва хатлаш учун махсус эскроу ҳисобварағини очади. Эскроу ҳисобварағида сақланаётган пул маблағла-

рил этилди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шiori остида ижтимоий ҳимояга эга охионларимизни эъозлаш ва қадрлаш, уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш — бизнинг узоқ асрлик урф-одатларимиз ҳамда миллий анъаналаримизнинг ажралмас бир қисмига айланган. Бу, биринчи навбатда, кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш бўлса, иккинчидан, ёш авлод учун тарбия ва тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, соҳага оид ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Кексалар учун 152 та туман ва шаҳарда «Нуронийлар маскани» мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари таш-



Муносабат

рига нисбатан ҳуқуқлар бенефициарда ҳисобварақдаги пулларни олиш ҳуқуқини пайдо бўлганга қадар депозит кўювчига тегишли бўлади, ундан сўнг бенефициар ихтиёрига тушади.

Фуқаролик шартномаларини тузиш ва ижро этишда

эскроу механизмидан фаол фойдаланиш юрtdошларининг мулккий ҳуқуқларининг бузилиши, пул тўлаб, кейинчалик мулксиз қолиб кетиши ва бошқа содир бўлиши мумкин бўлган салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имконини беради.

Қолаверса, бу судлар томонидан кўрилаётган низолар сонининг камайишига ҳам хизмат қилади.

Гулрух МАМАРАИМОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтоҳур туманлараро
суди судьяси

Қонун кўмаги

Ҳақиқий эмас деб

судлар томонидан хусусий ажримлар чиқарилган.

Шу ўринда судда қўрилган ишлардан бири мисолида фирмимизни давом эттирсак, Нурота тумани адлия бўлими Ойдин Умарованинг манфаатларини кўзлаб, судга ариза билан мурожаат қилган ва жа-вобгар — бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурота тумани бўлимининг 2024 йил 9 январдаги 1637381-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Аниқланишича, О.Умарова ёшга доир пенсия тайинлаш-ни сўраб, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурота тумани бўлимига мурожаат қилган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурота тумани бўлимининг 2024 йил 9 январдаги 1637381-сонли қарор билан О.Умарованинг 2016 йил 4 октябрдан 2020 йил 31 декабрга қадар "Нурота" ширкат ҳўжалигида ишлаган иш даврлари учун ойлик иш ҳақларидан суғурта

бадаллари тўлиқ тўланмагани ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадаллари тўлиқ ўтказилмагани асос қилиниб, унинг умумий иш стажига қўшиб ҳисобланмаслиги маълум қилинган.

Шу сабабли О.Умарова меҳнат ва пенсия таъминоти-га бўлган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида, судга шикоят ари-заси билан мурожаат қилган. Айтиш керакки, янги тахрирдаги Конституциями-зининг 46-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилия-тини йўқотганда, ишсизлик-ни сўраб, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурота тумани бўлимига мурожаат қилган.

Шунингдек, "Фуқаролар-нинг давлат пенсия таъ-миноти тўғрисида"ги қонун-нинг 1-моддасига кўра, мамлакатимиз фуқаролари ушбу қонунда назарда тутил-ган тартибда давлат томони-дан пенсия билан таъминла-ниш ҳуқуқига эга.

◀(Бошланиши 1-бетда)

Қонунчиликдаги жинсий эркинликка тажовуз қилиш жиноятига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қаралиб, янада кучлироқ санкциялар билан тўлдирилди. Вояга етмаганларга жинсий зўравонлик қилган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериши, болалар билан бевоҳита ишлаши, шу каби фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланди.

Афсуски, бу саъй-ҳаракатларга қарамасдан, соҳада айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Масалан, оилавий, яъни маиший зўравонликка нафақат вояга етган шахслар, балки болалар ҳам дучор бўлмоқда. Аммо амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари диспозициясида оилавий ёки маиший зўравонликнинг қурбони эр-хотин, собиқ эр-хотин, бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс ёки умумий фарзандга эга бўлган шахслар бўлиши мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, болалар киритилмаган. Натيجада бундай зўравонликка учраган болаларга нисбатан жиноят ишларини малакашда тергов идоралари турли муаммоларга дуч келмоқда.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар

Моҳият



Болалар ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик унинг олдини олиш чоралари кучайтирилмоқда

томонидан маъқулланган **“Оилавий (маиший) зўравонликлардан ҳимоялаш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун муҳим аҳамият касб этиши тайин. Чунки соҳадаги мавжуд муаммо ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун билан болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда.

Янги қонун 6 та моддадан иборат бўлиб, 3 та кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритишни назарда тутди. Қонуннинг айрим алоҳида хусусиятларига мухтасар тўхталамиз.

Биринчи муҳими жиҳат. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддаси ва Жиноят кодексининг 126¹-моддаси болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик тўлдирилмоқда.

Иккинчи муҳими жиҳат. Жиноят-процессуал кодексига оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги аризани суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида эмас, суд муҳо-

камаси пайтида бериш тартиби жорий қилинмоқда.

Яъни оилавий (маиший) зўравонлик бўйича жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза фақат ишни судда кўриш жараёнида, суд муҳокамасининг ис-талган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришдан олдин берилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Ҳўш, бундай тартиб нима-ни англатади?

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, тергов босқичида эр-хотинларнинг ўзаро ярашганлиги туфайли айбланувчи томон жазо муқаррарлигини ҳис этмай, бир йил давомда яна

қайта зўравонлик содир этиши ҳолатлари кузатилмоқда.

2023 йил ва жорий йилнинг май ойига қадар содир этилган оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ 894 та жиноятнинг 55,6 фоизи, яъни 506 таси тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган. Қолган 44,4 фоизи, яъни 388 таси бўйича суд томонидан тегишли жазолар тайинланган.

Шундай қилиб, қонунчиликка бундай ўзгаришлар киритилиши жуда аҳамиятлидир. Бинобарин, айти қонуннинг қабул қилиниши:

- оилавий ёки маиший зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилишига;
 - таъйиқ ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳуқуқига кўрсатилмаган ижобий таъсирнинг кучи янада ортшишига;
 - болалар ва хотин-қизлар таъйиқ ва зўравонликка учра-шининг олдини олиш чоралари самарадорлигини оширишига;
 - оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.
- Малика ҚОДИРХОНОВА,**
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси

◀(Бошланиши 1-бетда)

“Corporate Deadlock” — бу корпоратив бошқарув шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектнинг мулкдорлари ўртасида вуждга келадиган низо бўлиб, унинг оқибатида субъект фаолиятини фалаж ҳолатга келтирадиган вазият пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, масъулияти чекланган жамиятда шерикчиликни давом эттириш имконсиз бўлиб қолади.

Президентимизнинг **“Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорида янгича корпоратив бошқарув механизмлари, шу жумладан, корпоратив шартномаларни амалиётга кенг жорий этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича зарурий кўрсатмалар берилиб, **“Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи корпоратив шартнома қонун даражасида белгилаш зарурлиги қайд этилган.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иштирокчилар ўртасида вуждга келадиган корпоратив бошқарувдаги “dead-lock” масаласи, асосан, корпоратив шартномада ҳуқуқларни амалга оширишнинг тартибини белгилаш, “dead-lock” вуждга келган тақдирда, ундан чиқиш усулларини келишиб олиш орқали ҳал қилиниши энг мақбул усул сифатида қаралади. Бу иштирокчиларнинг масъулияти чекланган жамиятдаги улуши (акция)ни бошқа тарафга тақдир этиши ва унинг талаби асосида қайтариб сотиб олиш йўли билан амалга оширилиши.

Миллий қонунчиликмизда миноритар иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида масъулияти

Таҳлил ва таклиф

Корпоратив бошқарувдаги мушкуллик: муаммо ва ечим

(масъулияти чекланган жамият мисолида)

чекланган жамиятнинг устав фондидаги улушининг 50 ва ундан ортққ фойзи эгасига айланган шахс (бундан давлат мустасно), агар шахс бунгача масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга эгаллик қилмаган ёки улушнинг 50 фоизидан камроғига эгаллик қилган бўлса, миноритар иштирокчиларга улушларини бозор қиймати бўйича ўзгага сотишни ўттиз кун ичиде таклиф этиши шартлиги белгиланган. Бунда агар масъулияти чекланган жамият иштирокчисининг ўзига тегишли улушини сотиши тўғрисида ўттиз кун ичиде ёзма розилиги олинса, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг 50 ва ундан ортққ фойзи эгаси таклиф этилган улушни сотиб олиши шарт.

Бироқ амалиётда уларнинг ҳал этилиши, аниқроғи, суд орқали ҳал этилишида турли муаммолар мавжуд. Масалан, икки ва ундан ортққ шахс томонидан ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятнинг тўқсон бир фоизга эга иштирокчисини, гарчи ушбу юридик шахс тугатилган (ёки жисмоний шахс вафот этган) бўлса, уставда ушбу масала бўйича келишув мавжуд бўлмаса, уни жамиятдан чиқариб

юборишнинг имкони йўқ. Чунки биринчидан, **“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”**ги қонуннинг 8-моддасига асосан, жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (харакатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилиши талаб қилишга ҳақлидир. **Иккинчидан,** жамиятдан иштирокчини чиқаришнинг иккита йўли бўлиб, (ихтиёрий — аризага асосан, мажбурий — суднинг қарорига асосан) юқорида қайд этилган ҳолатда уларнинг ҳар иккаласини қўллаш имконияти бўлмайди. Чунки тугатилган юридик шахснинг (вафот этган жисмоний шахснинг) аризаси мавжуд бўлмайди. Иқтисодий судга тугатилган юридик шахс (мерос ҳуқуқи мавжуд бўлмаган вафот этган жисмоний шахс) чиқариш тўғрисида даъво аризаси киритилган тақдирда, тараф тугатилгани тўғрисидаги асос билан иш юритиш тугатилади. Фикримизча, корпоратив бошқарувда-

ги бу каби имконсиз ҳолатга тушиб қолмаслик мақсадида, қонунда иштирокчи юридик шахс тугатилган тақдирда, ушбу масалани ҳал қилиш қолган иштирокчиларнинг ваколатига ўтказилиши лозимлиги тўғридан-тўғри кўрсатилиши шарт. Айрим ҳолларда давлат хизматлари маркази бу каби ҳолат вуждга келганда, қолган иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан, уставга ўзгаришлар киритиши рўйхатдан ўтказиётган бўлса, бошқа ҳолларда жамиятнинг бу талаби ваколатли орган томонидан рад этилмоқда. Шунингдек, қонунчиликка жисмоний шахс бўлган иштирокчи вафот этган ва мерос ҳуқуқи мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам қолган иштирокчилар умумий йиғилиши қарори билан ушбу иштирокчининг жамиятдан чиқариб юборишга ҳақли эканини назарда тутувчи нормаларни киритиш лозим. Яна бир ҳолат: қонунчиликда ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг меросқўрлари муайян муддатда жамиятга мурожаат қилмаган тақдирда ҳам, ушбу масала умумий йиғилишида қолган иштирокчилар томонидан ҳал этилиши лозим. Бу билан, аввало, корпоратив бошқарувдаги муаммолар вазиятлар ҳал қилинса, **иқкынчидан,** корпоратив ҳуқуқда ноуорисдикцион усул, яъни иштирокчининг ҳуқуқларини ўзи томонидан ҳимоя қилиш қарори кенгайтиришга эришилади. Энг муҳими, юқорида қайд этилган ҳолатлар вуждга келган тақдирда, масъулияти чекланган жамиятнинг бошқариш мушкул вазиятга тушиб қолмасдан, фаолиятини ҳеч қандай тўсиқларсиз давом эттириш имконияти яратилади.

Мақсуд САИДОВ,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори



ТОПИЛГАН ҚАРОР

Мазкур қонуннинг 42-моддаси ҳамда Меҳнат кодексининг 125-моддаси талабига кўра, меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 октябрдаги 592-сонли қарори билан тасдиқланган янги тахрирдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 56-бандида ҳам шу талаб қайд этилган.

2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”**ги қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига асосан, жисмоний

шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқари-ладиган даромад солигининг тегишлича, камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Мазкур қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига кўра, жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нуҳасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобва-рақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини

иш берувчи ўзи турган жойдаги “Халқ банки” филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

О.Умарованин 2016 йил 4 октябрдан 2020 йил 31 декабр-га қадар “Нурота” ширкат ҳўжалигида ишлаган даврлари тўғрисидаги иш ҳақи ва буйруқ китоблари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ сақланмагани, архив маълумотларининг юритилмагани, суғурта бадаллари ўтказилмагани ёки жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўланмаганида О.Умарова айбдор эмас. Чунки юқоридаги қонунчилик талабига кўра, бу вазифаларнинг барчаси иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Шундай экан, бундай камчиликлар учун фуқаро жавобгар бўлмаслиги шарт. Шу талабга кўра, қонун О.Умарованин ҳақли эканини кўрсатиб турибди. Зеро, 2016 йил 4 октябрдан 2020 йил 31 декабр-га қадар “Нурота” ширкат ҳўжалигида ишлаган меҳнат даврларига оид маълумотлар унинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тўлиқ тасдиғини топган. Мазкур ёзувлар тегишли тартибда рақамлар билан қайд қилиниб, иш берувчи ташкилот муҳри билан тасдиқланган. Шу сабабли бу

маълумотларнинг ҳақиқийлиги шубҳа уйғотмайди.

Таъкидлаш жоизки, Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги **“Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарори 9-бандининг учинчи хатбошида судларга иш берувчининг ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича қарздорлиги мавжудлиги сабабли иш даврини стажга қўшмаганлик билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда, бу ҳолат иш фаолияти даврини ходимнинг иш стажидан чиқариш учун асос бўлмаслигини инобатга олишлари лозимлиги ҳақида раҳбарий кўрсатма берилган.

Шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси иккинчи қисмида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар қонунчиликка зид эканини ҳамда аризагининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳа-ракатларни (ҳаракатсизлиқни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори

қабул қилиши белгиланган.

Суд юқорида аниқланган ҳолатларга кўра, Нурота тумани адлия бўлимининг О.Умарова манфаатларини қўзлаб берган аризасини қа-ноатлантириб, жавобгар — Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурота тумани бўлими томонидан чиқарилган О.Умарованин ишлаган меҳнат даврларини ёшга доир пенсия тайинлашда ҳисобга олмаслик ҳусусидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топди.

Шу билан бирга, фуқаро-нинг пенсия олишида овора бўлишига йўл қўйганлиги учун суд томонидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Нурота тумани бўлимининг мутасадди ходимларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилиди.

Мухтасар қилиб айтганда, нуроний отахону мўътабар онахонларимизнинг пенсия олиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш судлар зиммасидаги муҳим вазифа саналади. Зеро, инсон ҳуқуқларини таъминлаш одил судловнинг бош мақсадиридир.

Давлат БОБОНОРОВ,
Навоий вилояти маъмурий суди судьяси



◀(Бошланиши 1-бетда)

Сўнгги йилларда юртимизда қурилиш тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштирилди. Натижда инвестицияларни жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратилиб, қурилиш соҳасида янги давр бошланди.

Энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техник базиси мустаҳкамланиб, илғор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлди. Бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини замонавий мезонлар асосида яратиш мақсадида бошланган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, шаҳарлар ва улар атрофидаги аҳоли пунктларининг бош режалари эскиргани, бош режаларни ишлаб чиқиш кўп вақт талаб этиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни тезлатиш зарурати сабабли шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Қолаверса, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг янги тизимларини тартибга солиш мақсадида Шаҳарсозлик кодексига тегишли ўзгаришлар киритиш зарурати пайдо бўлди.

Президентимиз томонидан шу йил 10 сентябрь куни имзоланган **“Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун қонунчиликнинг аниқлаштиришга оид нормалар киритилди. Мамлакатимиз худудини ривожлантириши режалаштириш бош тарҳи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини ривожлантириши режалаштириш тарҳлари каби шаҳарсозлик ҳужжатлари турлари кенгайди ва қамрови ошди.

Шунингдек, бош тарҳни ва худудий тарҳларни тасдиқлаш ҳамда мунтазам равишда такомиллаштириш бориш бўйича устувор йўналишлар белгиланди. Мамлакатимиз худудини ривожлантириши режалаштириш бош тарҳида аҳоли ва ишлаб чиқариш

кучларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солиш асослари қайд этилди.

Шу билан бирга, шаҳарсозлик соҳасида ваколатли давлат органи — Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлигига шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган шаклда ишлаб чиқишда бюрут-мачи ва лойиҳа ташкилотлари лойиҳалаш топшириғини бериш ваколати юқланди. Ўз навбатида, вазирликнинг шаҳарсозлик стратегиясини мувофиқлаштиришдаги ролини кучайтиради ҳамда шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантириши самарали бошқаришни таъминлайди.

Маълумки, худудларнинг жорий ҳолати, салоҳиятини аниқлаш, ўзаро боғлиқлик мақсадлари ва хусусиятини, архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида худудлараро ҳамда тармоқлараро давлат манфаатларини мувофиқлаштириш ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз худудини ривожлантириши режалаштириш бош тарҳидаги лойиҳавий ечимлардан мамлакатимиз Тарҳқўёт стратегияси, шунингдек, халқаро ва минтақавий интеграция жараёнлари, қўш-ни давлатларнинг худудий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурлари ҳамда жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда узоқ даврга мўлжаллаб ишлаб чиқишнинг ўрин олгани яна бир муҳим янгилик бўлди.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжат билан архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида худудлараро ва тармоқлараро давлат манфаатлари муво-лафқлаштирилади. Қурилиш соҳасида шаффофлиқни таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш орқали эса, соҳага инвестиция киритиш имконияти кенгайди.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун фуқаролар учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитни сақлаган ҳолда шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлайди. Энг муҳими, мамлакатимизда самарали ва шаффоф шаҳарсозлик тизимини яратиш янги замонавий худудларни барпо этишга хизмат қилади.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси ўринбосари

Жиноят ва жазо

ҚИРИБ ТАРИШ

«ПАРВОЗИ»

судда қонуний яқун топди

Урганч шаҳрида яшовчи Яшнар Полвонов (исм-шарифлар ўзгартirilган) 2022 йилда Урганч халқаро аэропортида фаолият юртутуви “ALAN AMIRA TRAVEL” хусусий корхонасини ташкил этади. Аммо авиачиталар савдоси тегазасида фаолият юртутса-да, бу борада имкониятлари тор эди. Аниқроғи, самолёт читаларини сотиш бўйича авиаккомпаниялар билан шартнома тузмагани бунга монелик қиларди.

(Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жанг якуни, зафарни таъминлайдиган жойларга захирадаги лашкарни ўз вақтида, жадал суръатда етказарди. Аскарларнинг маънавий қувватини юксак даражада тутга оладиган нодир иқтидор эгаси эди. Икки юз минг кишилиқ кўшини ёз-қиш демасдан ҳаракатда бошқарар, бир неча йиллик ҳарбий сафарларни муваффақият билан якунлар эди.

Кўшинида чорвачилик, экинчилик, хунармандчилик, темирчилик, тикувчилик, бошмоқчилик билан шугулланувчи аҳоли вакилларидан аскарликка олинганлар ҳам бор эди ва улар ўрдуда ана шу соҳалардаги эҳтиёжни қондирар эди.

Лашкарнинг асосий қисми сара отлик ва яёв аскарлардан иборат эди. Соҳибқирон Шарқда илк бор ўточар куруллар ва тўлдан фойдаланган кўмондон ҳисобланади. Амир Темур жаҳон ҳарб



ТАРИХ ТИЛИМЛАРИ
АМИР ТЕМУР

санъати тарихида биринчи бўлиб жанг майдонида кўшинларни аънавий беш бўлим тарзида жойлаштириш қонунларини ўзгартириб, етти қисм ҳолида тартиблашни бошлаб берган. Бу янгилик кеш-йинчилик Тухтамиш ва Шайбонийхонлар томонидан ҳам қўлланилган.

Соҳибқирон аскарларни ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгиб чиқадиغان қилиб тарбиялашда моҳир эди. Унинг лашкари сўнгсиз ғайрати билан ажралиб турарди. Соҳибқирон учун имконсиз деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Тоғлиқ ерларда ҳам лашкар ҳаракатини энгиллаштирувчи

алоҳида ҳарбий усуллардан фойдаланарди. Масалан, Ҳиндистон юриши чоғида жарликлару дараларга тушиш ё ўшандай маконлардан тепага чиқиш учун осма йўллар қурдирарди. Метин қояларга темир қозқлар қоқтириб, қоялараро лашкар ташувчи қурилмалар ясаттирарди. Улар ёрдамида минг-минг аскар ҳар қандай жойга жадал ўта оларди. Айтиш мумкинки, ҳозирги пайтдаги лифт юритиш тартибидан ўша замонларда ҳам фойдаланишган.

Ҳиндистон сафарига ўрдунинг қор устидан юриши оғирлашганида, Амир Темурнинг топқирлиги туфайли, унинг амрига кўра, лаҳмчилар қалин қор ичини ўйиб, икки метр баландлиқда, беш киши ўтадиган кенгликда узунлиги бир километрни йўл очишган.

Юришлар вақтида йўлда тошқинли дарёларга дуч келинса, икки кун ичида мустаҳкам кўприқлар қуриб

битказилган ва бутун ўрду, чериклару отлар, филлару туялар бемалол у қирғоққа ўтган. Аввалги даврларда бундай дарёлардан Чингизхон ва Маҳмуд Ғазнавий кўшинлари соллар ёки дамланган терилар кумагада ўтган. Аммо ўша жараёнда анчагина одамлар ва отлар чўкиб нобуд бўлган.

Амир Темур ҳарбий юришларга жуда пухта тайёрланган. Аскарлар ва курул-яроғлар мукамал ҳолга келгач, шахсан ўзи кўриқдан ўтказган. Тарихчиларнинг ёзишича, ҳар бир аскар ўзи бир йилга етарли озиғи, шунингдек, ўқ-ёғ, совуту қалқонини тўқис ҳолда келтирарди. Ўз отидан ташқари ҳар икки аскар учун битта етадағи от, ҳар икки кишига битта қодир, битта кўларра, қозон, юзта игна, ип бўлиши шарт эди.

(Давоми келгуси сонда)
Турк тилидан
Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

Кўчинларни
ФАКТИАР
Минераллар ичида олмос энг қимматбаҳо тош ҳисобланади. XVI асрга қадар улар жуда камёб бўлган. Айрим олмослар эса, тарихда ўта муҳим роль ўйнаган. Уларга муайян ном берилган бўлиб, бу номлар ўзига хос тарихий маълумотларга эга. Қуйида шундай қимматбаҳо тошлардан бири бўлган "Кўхунур" олмоси ҳақида сўз юртамиз.

ЖАВОҲИР ЖИЛОСИ

ёхуд энг нодир олмос тарихи

Тарихда қадимги нодир тошлардан ҳисобланган "Кўхунур" олмосини қўлга киритиш мақсадида бир қанча мамлакат хукмдорлари жон-жаҳдлари билан курашган. Беш аср мобайнида Ҳиндистонга уюштирилган ҳарбий юришлар асосан шу олмос туфайли юз берган.

Афсоналарга айланган, тарихнинг шонли ва суронли дамларига гувоҳи бўлган "Кўхунур" олмоси ҳақида эшитмаган инсон кам бўлса керак. Кўхунур — "тоғ нури" деган маънони англатади. Унинг тарихи 1300 йилларга бориб тақалади. Бу олмос ҳақида турли-туман афсоналар мавжуд.



Узоқ йиллар давомида "Кўхунур" Малва давлати рожаларининг бош кийимларини беэаб келган. 1305 йилда Малва Дехли султони Оловуддин томонидан забт этилади. Ғолибга бошқа қимматбаҳо тошлар қаторида "Кўхунур" ҳам ўтади. Бироқ кўп ўтмай олмос яна Малва давлатига қайтарилади. Унинг соҳиби Ғалиора рожаси Бикерамит бўлади.

Ривоятларга кўра, олмос 5 минг йил аввал Ҳиндистон жанубидан топишган бўлиб, у "Махабхарат" дostonидаги афсонавий қаҳрамон Карнага тегишли бўлган.

1526 йилда Ҳиндистон буюк бобомиз Заҳрирдин Муҳаммад Бобур томонидан забт этилади. Панипат жангида ҳинд рожаси Бикерамит ҳалок бўлади. Унинг рафиқаси оиласига тегишли бўлган бойликларни Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга топширади. Ўлжалар орасида "Кўхунур" ҳам бор эди. Ҳумоюн барча ўлжани, жумладан, "Кўхунур"ни ҳам отасига тақдим этади. Бироқ Бобур улларнинг ҳаммасини ўғлининг ўзига қайтаради. Аини шу даврдан бошлаб Бобурийлар сулоласининг ҳукмдорлари "Кўхунур"ни тожларидан туширмаган.

Одамлар олмос буюк Бобурийлар сулоласининг тождига турар экан, бу сулола асло завол кўрмаслигига ишоншган. "Бобурнома"да ёзилишича, олмос 1294 йили Малва рожасига тегишли бўлган. Бобур мазкур олмоснинг қиммати "Тамоми оламнинг икки ярим кунлик сарфига баробар" эканини айтади. Бобур ва Ҳумоюн Кўхунурни "Бобурийлар олмоси" деб атайдди. Ҳумоюннинг ўғли буюк саркарда Акбар умри давомида олмосга бирон марта ҳам қўл теккизмаган. Кейинчалик афсонавий тош Шохжаҳон иштиёрига ўтади. Унинг ўғли Аврангзеб тошни Лоҳурдаги Бадшоши масжидига жойлаштиради. Олмос у ерда 1739 йилгача сақланади. Ҳукмдор Нодиршоҳ Ҳиндистон ҳудудларини қўлга киритгач, барча бойликларни ўз тасарруфига олишга интилади. Аммо "Кўхунур"ни топа олмайди. Минглаб одамлар олмосни қидиришга жалб этилади. Шунда сарой ходимларидан бири олмос Муҳаммад исмли амалдорнинг бош кийимига яширилганини айтади. Базмлардан бирида Нодиршоҳ Муҳаммадга мурожаат қилиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланиши йўлида салларини алмаштиришни таклиф қилади. Бу таклифни инкор қилишнинг имкони бўлмайди. Бошлик ва қаллоблик йўлини танлаган Я.Полвонов ҳам қилмишига яраша жазоланди. Бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.

яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф қилиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Ўз навбатида, суд боланинг манфаатлари ва унинг фикрини инобатга олган ҳолда низои ҳал қилади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда, айбдор ота (она)га нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, мамлакатимизда боланинг барча ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатли таъминланган. Бу, ўз навбатида, ҳар бир бола муносиб тарбия олиш, ўзининг иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқаришига хизмат қилади.

Анвар ЖУМАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Уқудуқ тумани суди раиси

Маслаҳат

Ота-онадан алоҳида яшаётган бола

у билан кўришиб туриш ҳуқуқига кимлар эга?

Бугунги кунда юртимизда болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, ота-онасининг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, ҳимоя қилишга оид конституциявий тамойилларни амалда таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар бир болага муносиб тарбия бериш ва унинг камол топишида нафақат ота-она, балки бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Буни таъкидлашдан мақсад шуки, амалдаги оила қонунчилигида нафақат боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг бола билан кўришиши, балки бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг ҳам

бола билан кўришиб туриш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Аниқроқ айтганда, Оила кодексининг 77-моддасига кўра, бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлари бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Яъни ота-она (улардан бири) яқин қариндошларининг бола билан кўришишига имкониёт бермас, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имкониёт беришга мажбур қилиши мумкин. Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Шу боис чипталарни озғак келишувга асосан аввалги шу иш билан шугулланувчи бошқа корхоналардан харид қилади, сўнгра бевосита йўловчиларга сотади.

Қисқаси, у расман фаолият курсатуви тадбиркорлик субъектларининг авиачипталарини сотиш билан шугулланди, шу орқали аста-секин уларнинг ишончини қозонди. Авиачипталар савдоси билан шугулланувчи "Atlas avia tour" масъулияти чекланган жамияти Я.Полвонов билан ҳамкорликка ишонч билдирган ҳолда ўша йилнинг декабрь ойида у бошқараётган хусусий корхонага 30 миллион сўм маблағни кейинчалик қайтариш шарти билан ўтказиб берди. Я.Полвонов ҳам бу пулларни беҳудага совурмади. Барини улгурғи тарздаги авиачипталар харидига сарфлайди ва уларни тезда сотувга ҳам қўяди. Чипталарнинг бари шу аснода ўз харидорини топади. Аммо навбат оларнинг берарига етганда, Я.Полвонов уйланиб қолди. Хуллас, у ваъдасини унутиб, чипталар сотувидан тушган 30 миллион сўмини "Atlas avia tour"га қайтариш ўрнига ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборди. Мазкур масъулияти чекланган жамият томонидан моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб берилган пул шу тариқа шамолга учди. Я.Полвонов бу пулнинг атиги 7,6 миллион сўминини эгасига қайтарди, холос. Ваҳоланки, бу маблағ ўзаро келишувга мувофиқ чипталар сотилгач, икки кунлик муҳлат ичида қайтарилиши керак эди. Натижаяда эришилган битим бузилди, "Atlas avia tour" корхонаси пули тўланмагани боис алақачон мижозларга сотиб юборилган авиачипталарнинг бир қисmini бекор қилди.

Шундан сўнг фирибгар бу

Жиноят ва жазо

ФИРИБГАРИНИГ «ПАРОВОЗИ» СУДДА ҚОНУНИЙ ЯКУН ТОПДИ

кимса ўзига янги ҳамкор излашга киришди. Узоқ таниши — Урганч шаҳрида фаолият юритаётган "Dovud avia turistik" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Комилов Я.Полвоновнинг авиачипталар савдосига кўмаклашиш ҳақидаги таклифини оғринмай қабул қилди ва унга 40 миллион сўмлик авиачипталарни қўшқўллаб топширди. Ўз навбатида, фирибгар бу кимса сотилган авиачипталарнинг пулини 1-2 кун ичидаёқ ўз қўли билан келтириб топширишга куюк ваъда берди. Буни қаранки, чипталар тезда сотилиб кетди. Навбат яна маблағни қайтаришга келганда, Я.Полвонов шовшимади. Уни қўллаб-қувватлаган, ёрдамини дариг тутмаган А.Комилов ўз шеригидан бунга кутмаганди. У аввалги сотилган авиачипталарнинг пулини талаб қилди. Пул унавермагач, ҳамкорликка чек қўймоқчи эканлигини айтди. Я.Полвонов ҳам анойилардан эмасди, у ўз ҳамкорининг кўйиндан кириб, қўнжидан чиқди. Чипталар қанчалик кўп сотилса, унинг даромади ҳам шунча мўл бўлиши ва қарзни узиш учун бемалол кифоя қилишини тушунтирди. Ҳамкор тараф унинг сўзларига ишонди ва бироз шаштидан тушди. Ҳамкорлики давом эттириш мақсадида 40 миллион сўмлик қарз устига яна 45 миллион сўмлик

авиачипталарни, пулини имлакон қадар тез фурсатда қайтариш шарти билан, насияга берилди. Я.Полвонов икки оғизгина "ширин сўз" эвазига қўлга кирган чипталарни иштиёқ билан сотишга киришди. Бу гал ҳам чипталар тезда сотилиб кетди. Аммо қарзни қайтаришга келганда, Я.Полвонов бу гал ҳам сўзидан тонди. Ҳамкорини алдади. А.Комилов эса, бугал қараб турмади. Орадаги битим бузилганлигини маълум қилди ва 85 миллион сўм қарзни қайтаришни талаб қилди. Бироқ фирибгар бу кимса буни ўзига фожиа деб билмади. Аксинча, қинғирликни яна давом эттирди. Хусусий корхона эгасимасми, гарчи ҳеч қаерда ҳисобга олинмаган бўлса-да, ўз чипта дафтарига эга. Аммо тегишли авиакорпаниялар билан ҳамкорлик шартномалари мавжуд бўлмаган вазиёта уни расмий чипта сифатида сотиб бўлмади. Сотилгани эса қалбаки ҳисобланади. Я.Полвонов масаланинг бу жиҳатида эътибор бермади. Гарчи қалбаки бўлса-да, рўйхатга олинмаган чипталарни сотишга киришди. Сонда бор-у, санокда йўқ чипталарни аини шу йўсида "расмийлаштириш" орқали унинг сўзларига ишонди ва бироз шаштидан тушди. Ҳамкорлики давом эттириш мақсадида 40 миллион сўмлик қарз устига яна 45 миллион сўмлик

миллион 760 минг, Д.Оллабергановнинг 9 миллион 900 минг, А.Қурбонбоевнинг 4 миллион 400 минг, М.Худойберганиевнинг 2 миллион 400 минг, Д.Искандаровнинг 3 миллион 300 минг, Д.Назаровнинг 3 миллион 500 минг, А.Рўззаматовнинг 6 миллион 800 минг, А.Йўлдошевнинг 3 миллион 992 минг, Ж.Йўлдошевнинг 2 миллион 100 минг, И.Қиличевнинг 3 миллион 550 минг, С.Жуманиёзовнинг 2 миллион 300 минг, Д.Оллаёровнинг 3 миллион 550 минг, А.Раҳимовнинг 2 миллион 200 минг, Баҳодир ва Бахтиёр Абдумиродовларнинг 4 миллион 4 минг, Х.Собировнинг 2 миллион 150 минг, Ф.Рўзиматовнинг 4 миллион, Б.Собировнинг 2 миллион, У.Жуманиёзовнинг 2 миллион 65 минг сўм миқдоридagi маблағини қўлга киритди. Энг ёмони, фирибгар бу кимса нопок йўл билан топган пулларни шахсий эҳтиёжи ва интернет тизимидаги "1ХВЕТ" қимор ўйинига сарфлади. Қалбаки чипталарни сотиб олган мижозлар эса аросатда қолишди. Энг ачинарли воқеа улар ўз манзилларига учиб кетиш учун Урганч халқаро аэропортига келиб, ўз чипталарини рўйхат учун тақдим этган чоғда юз берди. Я.Полвоновдан чипта сотиб олган йўловчиларнинг деярли бари самолётга чиқарилмади, чунки чипталар рўйхатдан ўтмаган,

яъни қалбаки эди. Шундан сўнг қалбаки чипта боис самолётга чиқолмай қолган йўловчилар ўзлари тўлаган пулларни қайтаришни сўраб Я.Полвоновга мурожаат қилишади. Аммо Я.Полвонов чиптахонасини аэропорт худудидан шаҳар марказига кўчириб, ўзи ўйлаб топган "уйин"ни яна давом эттиради. У Х.Жуманиёзовга 2 миллион 280 минг, С.Ортиқовга 1 миллион 650 минг, М.Матёкубовага 4 миллион, Қ.Жумабоевга 1 миллион 600 минг, Ш.Раҳимов ва М.Йўлдошевага 2 миллион 900 минг, М.Ҳайитбоевга 2 миллион 400 минг, Ж.Нурматовга 1 миллион 670 минг, С.Маъмуржоновга 2 миллион 350 минг сўмлик қалбаки чипталарни сотади.

Нижоят, Я.Полвоновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан азият чеккан фуқаролар ҳуқуқ-тартибот идораларига ариза билан мурожаат қилишди. Шу асосда Я.Полвоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Унга Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б, в" бандлари, 167-моддаси 2-қисми "а" банди бўйича айб эълон қилинди.

Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилиб, Я.Полвоновга нисбатан 6 йил-у 2 ой мuddатга ооздликдан махрум қилиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари ундан фуқаровий даъвогарларга етказилган 180,6 миллион сўм ундириладиган бўлди.

Ҳаётда қинғирлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Фирибгарлик ва қаллоблик йўлини танлаган Я.Полвонов ҳам қилмишига яраша жазоланди. Бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.
Бунёд ЁҚУБОВ,
жиноят ишлари бўйича
Урганч тумани суди раиси,
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири